

	Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1
		Варақ 1 жами 14

**“ТАСДИҚЛАНДИ”**

Ўз ММИ ДМ директори

\_\_\_\_\_ Л.Ф. Саидорипов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2021 й.

**П -02 “ Ўз ММИ ДМ контекстини (Ташкилот фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси”.**

*Мазкур ҳужжат Ўз ММИ ДМ ички ҳужжатлари таркибига киради. Ҳужжатнинг тўлиғича ёки алоҳида қисмлари нусхаларга кўпайтирилиши, шунингдек, КҚК менежмент тизими бўйича жавобгар рухсатсиз Ташкилот ходими ҳисобланмаган бегона шахсларга берилишига рухсат берилмайди. Кириштиладиган ўзгартишлар, фақат, ҳужжатнинг асли ва рўйхатга олинган нусхаларидагина қайд қилиниши лозим.*

Вазифа	Лавозим	Имзо	Сана	И.Ш.Ф.
Ишлаб чиқди:	Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” Хизматининг бош мутахасиси			Хомидов.Ш.З
Келишилди:	Директор ўринбосари			Джалилов.М.Б
	Юридик бюро			Ҳакимов. Х

Ҳужжат коди

П-02

Амал қилиш  
муддати

дан


гача

Узайтирилди

гача




Тошкент ш.

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI	<b>Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари</b>	
	Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1 Варақ 2 жами 14

## МУНДАРИЖА

<b>1. ЎЗГАРТИШЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ВАРАҒИ.....</b>	<b>4</b>
<b>2. ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН МАҚСАД.....</b>	<b>5</b>
<b>3. ҚИСҚАРТИШЛАР, АТАМАЛАР ва ТАЪРИФЛАР.....</b>	<b>5</b>
<b>4. НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР .....</b>	<b>5</b>
<b>5. ЖАВОБГАРЛИКЛАР.....</b>	<b>6</b>
<b>6. ЖАРАЁН .....</b>	<b>6</b>
<b>6.1.</b>	
<b>6.2.</b>	
<b>7. САҚЛАШ.....</b>	<b>13</b>
<b>8. ПРОЦЕДУРА БЎЙИЧА ЮРИТИЛАДИГАН ЁЗУВЛАР.....</b>	<b>13</b>
<b>9. ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>14</b>



 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI	Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1 Варақ 4 жами 14

## 2. МАҚСАД

Ушбу процедурани ишлаб чиқишдан мақсад: Ўз ММИ ДМ (Ташкилот) контекстини (Ташкилот фаолият кўрсатаётган муҳитни) аниқлаш. Ташкилот фаолиятининг қўлланилаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тўлиқ таъминлаш, натижада мижозлар ва бошқа манфаатдор томонлар талабларини қониқтириш, уларнинг Ташкилот мутахасис ходимлари хизматига нисбатан ишончини ошириш ва ўз олдига белгилаган, сифатли хизмат кўрсатиш, ҳамда фаолиятда коррупция ҳолатлари содир этилишига йўл қўймасликни таъминлаш каби мақсадларига эришиш қобилиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи муаммоларни аниқлаш. Уларни бартараф қилиш ёки уларнинг таъсирини камайтиришга йўналтирилган (имкониятлар) ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тартиб, қоидаларни белгилашдан иборат.


## 3. ҚўЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ.

Ушбу процедура, Халқаро стандарт ISO 37001:2016 4.1, 6.1, 10.2 бандлари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб ташкилотнинг барча бўлимларида қўлланилиши лозим.

## 4. ТАЪРИФЛАР ВА ҚИСҚАРТИШЛАР.

<b>Ташкилот – Ўз ММИ ДМ</b>	“Ўзбекистон миллий метрология институти” Давлат Ташкилотси
<b>КҚК МТ</b>	Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими
<b>Ҳужжат</b>	Идентификация қилиш имкониятини берувчи реквизитларга эга, моддий элтувчида расмийлаштирилган маълумот.
<b>Таҳрир</b>	Ҳужжатнинг ёки ҳужжат варақларининг қайта кўриб чиқилиш натижасида янгисига алмаштириш тартиб рақами.
<b>Ақтуаллаштириш</b>	Ҳужжатга киритилган ўзгартириш ёки заруратга кўра қайта кўриб чиқиш.
<b>Ёзувлар</b>	Маҳсулот ёки хизмат турининг талабларга мос эканлиги ва КҚК МТ фаолиятининг самаралигини тасдиқловчи, ҳужжатнинг алоҳида бир тури.
<b>Идентификатлаш</b>	Объектни бир турдаги массадан ёки бир турдаги



 <b>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</b>	<b>Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари</b>	
	Ўз ММИ ДК контекстини (қорхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1 Варақ 5 жами 14

	<p>массивдан ажратиш ва алмаштириб юборилишининг олдини олиш мақсадида шартли белгилаш.</p>
<b>ИСО (ISO)</b>	Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот
<b>П</b>	КҚК МТ процедураси
<b>Контекст</b>	Ташкилот фаолият кўрсатаётган муҳит яъни Ташкилотнинг ўз мақсадларини белгилаши ва уларни амалга оширишига таъсир қилувчи ички ва ташқи факторлар йиғиндиси (факторлар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин).
<b>Таҳлика</b>	Кутулаётган натижага ноаниқликларнинг таъсири. Таҳлика, кўпинча <b>ҳодиса оқибатлари</b> ва улар билан боғлиқ бўлган, ҳодисанинг <b>содир бўлиши эҳтимоли</b> ёки иккаласининг комбинацияси кўринишида ифодаланади.
<b>коррупция</b>	Шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш
<b>Коррупциявий ҳаракатлар</b>	Ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкрий тусдаги хизматларни, бошқа мулкрий ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш.
<b>Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик</b>	Коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;
<b>Коррупцияга қарши курашиш тизими</b>	Амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, ходимлар томонидан юқори даражада касбий

	Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1 Варақ 6 жами 14

	ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича қўлланиладиган чора-тадбирлар мажмуи
<b>Коррупциявий таҳлика (хавф-хатар)</b>	Ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Ташкилот номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи

## 5. ХАВОЛАЛАР.

- ISO 31010:2009 «Таҳликаларни бошқариш ва Таҳликаларни баҳолаш методологияси»;
- O'z DSt ISO 37001:2019 (ISO 37001:2016, IDT Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими) “Пора олиш-бериш билан курашиш менежмент тизими”;
- “Ўзстандарт” агентлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати (“Ўзстандарт” агентлигининг 2020 йил 30 октябридаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган)

## 6. ҚўЛЛАШ УЧУН ЖАВОБГАРЛАР.

Ушбу ҳужжатнинг фаолиятда қўлланилиши учун Ўз ММИ ДМ юқори раҳбарияти, марказий аппарат бўлимлари ва худудий филиаллар раҳбарлари ва мутахассис ходимлари жавобгар ҳисобланадилар.

## 7. ЖАРАЁН.

### 7.1. Ташкилот контексти.

**7.1.1 Ташкилотнинг ўз олдида белгилаган мақсадлари ва ривожланишига қаратилган стратегик йўналишига ҳамда, коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими мақсадларига эришишда таъсир қилиши мумкин ҳисобланган ички ва ташқи муаммоларни аниқлаш.**

- Муаммоларни аниқлашнинг жуда кўп усуллари мавжуд ва бу усулларни қўллаш ихтиёрий равишда, яъни, Ташкилотнинг билим даражаси ва имкониятлари асосида танланиши мумкин, масалан:
  - «Имкониятлар ва Таҳликаларнинг кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиш» (SWOT);
  - «Сиёсий, иқтисодий, социал, технологик, ҳуқуқий ва экологик ҳолатлар таҳлили» (PESTLE);
  - «Портернинг, 5та куч таҳлили»;
  - « Рад қилишнинг таъсири ва оқибатлари таҳлили» (FMEA) ва бошқалар.

	<b>Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари</b>	
	Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1 Варақ 7 жами 14

**• Муаммоларни аниқлашнинг муҳим қоидалари ва усули:**

- Муаммоларни тўғри ва тўлиқ аниқлашни таъминлаш учун Ўз ММИ ДМ марказий бошқарув аппарати раҳбарияти, бўлимлар раҳбарлари ва мутахассис ходимлари, шунингдек худудий филиаллар раҳбарлари, мутахассис ходимлари иштирокида (таҳлилда қатнашувчи гуруҳ таркиби чегараланмаган бўлиши) ўтказилиши лозим;
- Таҳлилда қатнашувчи гуруҳ аъзоларининг барчасига ўз фикрларини билдиришга имкон бериш ва улар томондан белгиланган факторларни (аҳамиятли ёки аҳамиятсизлигига) қарамасдан 1-жадвалга киритиш;  
 Ўз ММИ ДМ КҚК менежмент тизимини режалаштиришида, белгилаган мақсадлари, вазифалар бажарилишида кутилаётган натижалар ва фаолиятини янада яхшилаш, ривожлантириш, фаолиятда коррупция ҳолатлари келиб чиқишига йўл қўймаслик ва коррупциянинг мутлоқ йўқ қилинишига қаратилган стратегик йўналишига таъсир қилиши мумкин ҳисобланган факторларни “SWOT таҳлил (анализ)” усулини қўллаш натижасида баҳолайди. (Мисол учун, қуйидаги П-02 Ф1 жадвали келтирилган).

**SWOT таҳлил**

П-02 Ф1

	№	Факторлар	Ижобий (+) Салбий (-)
<b>Ички муҳит</b>	1	Коррупциянинг ҳар қандай кўриниши содир қилинмаслиги бўйича ҳаракатлар амалга оширилишида Давлат ва юқори ташкилотлар, шунингдек бошқа манфаатдор томонлар талаблари ва улар томонидан қўллаб қувватланиш.	
	2	Ташкилот фаолиятида коррупцияга қарши курашиш сиёсати (расмий равишда ҳужжатлаштирилган) ва аниқ стратегиянинг мавжудлиги.	
	3	Коррупция элементлари, яъни ходимларнинг ишдаги одоб-ахлоқ қоидалари, манфаатлар тўқнашуви олдини олиш каби, қоидаларининг белгиланганлиги.	
	4	Ходимларни ўқитиш, уларнинг касбий ва ҳуқуқий билимларини ошириш.	
	5	Коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли жавобгарликлар, ваколатлар ва мажбуриятларнинг белгиланганлиги.	
	6	Ходимларнинг ўз функционал вазифаларини белгиланган талаблар ва қоидаларга мос равишда бажаришларига ҳалақит қилувчи, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир қилинишига сабаб бўлувчи, Ташкилот раҳбарияти	



O'ZBEKISTON  
MILLIY METROLOGIYA  
INSTITUTI

Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари

Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш.

Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.


П-02

Таҳрир: 1

Варақ 8 жами  
14

		томонидан илтимослар ва босимларнинг мавжуд эмаслиги.	
	7	Коррупцияга қарши курашиш бўйича Ташкилот сиёсати, мақсадлар ва одоб-ахлоқ, манфаатлар тўқнашуви олдини олиш каби қоидалар, шунингдек белгиланган вазифалар, жавобгарлик, ваколатлар ҳамда мажбуриятларнинг ходимларга етказилганлиги, тушинтирилганлиги ва улар томонидан белгиланган талаблар, қоидаларга риоя қилиниши.	
	8	Ташкилотнинг ҚҚК сиёсати ва бошқа талаблари бўйича миқозлар, ишдаги ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг хабардор қилиниши.	
	9	Фаолиятда коррупция ҳолатлари олдини олиш, содир қилинган ҳолатлар сабабларини аниқлаш ва жойларда қайта такрорланмаслиги олдини олиш бўйича ички текширувлар ўтказиш, чоралар кўрилиши механизмининг мавжудлиги ва амалга оширилаётганлиги	
	10	Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича барча ходимларнинг жалб қилинганлиги, уларнинг мазкур ҳолатлар кузатилганида хабар беришлари учун имкониятлар яратилганлиги (тел. рақамлари ва бошқа усуллар). Уларни ҳимоя қилиш, рағбатлантириш механизмларининг мавжудлиги.	
	11	Ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари, уларнинг ижтимоий ҳимояси. Маошлар ҳажми, мукофатлашдаги шаффофлик.	
	12	Лавозимларга тайинлаш (кўтариш, пасайтириш) даги шаффофлик.	
<b>Ташқи муҳит</b>	1	ҚҚК қонунларининг лебераллиги	
	2	ҚҚК тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилинишида Давлат ва юқори ташкилотнинг қўллаб қувватлаши	
	3	Миқозлар, ишдаги ҳамкорларнинг ҳуқуқий онги пастлиги ёки ишнинг белгиланган талабларга мос равишда бажарилишига минтелатит таъсири.	
	4	Коррупция ҳолатлари олдини олиш, содир қилинган ҳолатлар бўйича, сабаблар аниқланиши, чоралар кўрилиши мақсадидида ташқи ташкилотлар томонидан тегишли текширувлар ўтказилиб турилиши.	
	5	Ташкилот ҚҚК тизимида белгиланган талаблар ва қоидаларнинг миқозлар, ишдаги ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор томонлар томонидан қабул қилиниши ва риоя қилиниши.	
	6	Ташкилот ва жавобгар ходимлар ишига юқори ташкилотлар, мансабдор шахслар босими	
	7		
	8		
	9		



	Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1 Варақ 9 жами 14

## 6.2. Таҳликаларни бошқариш.

### 6.2.1 Белгиланган ички ва ташқи факторлар ичидан Таҳликаларни аниқлаш (п. 6.1.1 ISO 37001:2016).

Ўз ММИ ДМ нинг кўп йиллик тажрибаси, бошқа ҳамкор ёки ўхшаш ташкилотлар тажрибалари асосида, ҳар бир факторни таҳлил қилиши ва улар ичидан, энг аҳамиятлилари яъни Таҳликали факторларни белгилаши лозим.

#### Таҳлика даражасини баҳолаш учун қуйидаги усул тавсия қилинади.


- **Таҳликалар даражасини баҳолаш.** кўшимча маълумотлар ISO 31010:2009 «Таҳликаларни бошқариш ва Таҳликаларни баҳолаш методологияси» да келтирилган.

Таҳлика даражаси қуйидаги формула бўйича аниқланади.

ТАҲЛИКА	=	ҳодиса оқибати	X	содир бўлиш эҳтимоли
---------	---	-------------------	---	-------------------------

Таҳлика даражасини аниқлаш учун, қуйида келтирилган мисоллар асосида 1-жадвалга киритилган ҳар бир факторнинг оқибатини тушуниш лозим ҳисобланади, масалан:

- жадвалдаги п.7. - **Коррупцияга қарши курашиш бўйича Ташкилот сиёсати, мақсадлар ва одоб-ахлоқ, манфаатлар тўқнашуви олдини олиш каби қоидалар, шунингдек КҚК бўйича белгиланган вазифалар, жавобгарлик, ваколатлар ҳамда мажбуриятларнинг ходимларга етказилганлиги, тушинтирилганлиги ва улар томонидан белгиланган талаблар, қоидаларга риоя қилиниши сизда (-) салбий ички факторлардан бири сифатида белгиланган бўлса, бунинг оқибатлари.:**
- **Ташкилот сиёсати, мақсадлар ходимларга етказилмаса, уларга тушинтирилмаса** - сиёсатда белгиланган КҚК бўйича стратегик вазифалар ва мақсадларнинг бажарилишида хатолар, кечикишлар бўлиши ва умуман бажарилмасликга олиб келиши мумкин;
  - **одоб-ахлоқ қоидаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ва уларнинг ходимларга етказилмаганлиги** – ходимларнинг ўз ҳамкасблари, мижозлар ва бошқа томонлар билан мулоқатида кўполлик қилиши ва бошқа Ўз ММИ

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1 Варақ 10 жами 14

ДМ ходими номига доғ туширадиган ҳаракатлар қилишига олиб келиши мумкин;

- **манфаатлар тўқнашуви олдини олиш қоидаларига риоя қилмаслик** – Ташкилот номидан ўзининг, яқинлари, таниш билишлар манфаатини кўзлаб иш битиришликга олиб келиши ва натижада Ташкилот обрўсига тўғри келмайдиган ходисалар содир қилиниши мумкин;
- **КҚК бўйича белгиланган вазифалар, жавобгарлик, ваколатлар ҳамда мажбуриятларнинг ходимларга етказилмаганлиги** – жавобгарлик тушунчаси даражасининг пасайиши, тегишли ходимларга нисбатан зарур ваколатлар белгиланиб улар қўллаб қувватланмаса, иш бўйича уларни тингламаслик ва вазифаларнинг белгиланган муддатларда, тўғри ва тўлиқ бажарилмаслигига олиб келиши мумкин;
- ва бошқалар.

**Юқоридаги ҳолатларнинг Ўз ММИ ДМ фаолияти (филиалларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) содир бўлиш эҳтимоли:**

- Бир йилда 3 марта содир бўладиган ҳолат – 3 балл;
- 2 марта содир бўладиган ҳолат – 2 балл;
- 1 марта содир бўладиган ҳолат – 1 балл;

**Оқибатнинг оғирлиги/енгиллиги:**

- Ўз ММИ ДМ фаолиятига жорий қилинган КҚК МТнинг қўлланиладиган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда, Халқаро стандарт ISO 37001 талабларига нисбатан мувофиқлигини тасдиқловчи Халқаро сертификатлаш органи томонидан олинган сертификат йўқотилиши, мижозлар ва бошқа манфаатдор томонлар ишончининг бутунлай йўқотилишига олиб келиниши мумкин – 3 балл (оғир);
- Ўз ММИ ДМ нинг ўлчаш ва назорат қилиш мосломаларини давлат кўригидан ўтказиш, калибровкалаш, сертификатлаш каби хизматларига нисбатан мижозлар ва бошқа манфаатдор томонлар ишончи пасайишига олиб келиши мумкин – 2 балла (ўртача);
- Ўз ММИ ДМ хизматига нисбатан мижозлар ва бошқа манфаатдор томонлар ишончига таъсир қилмайди ( аммо, хизмат кўрсатиш натижаларини янада яхшилаш бўйича бошқа чора-тадбирлар амалга оширилиши талаб қилинадиган ҳолатлар) -1 балл (енгил).

	Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Тахрир: 1 Варақ 11 жами 14

Белгиланган баҳолаш мезонларидан фойдаланган ҳолда, юқорида келтирилган формула асосида таҳлика даражаси ҳисобланади ва қуйидаги 1 жадвал билан таққосланади.

1-жадвал

Оқибати Эҳтимоли	3 оғир	2 ўртача	1 енгил
3 юқори	9	<del>6</del>	3
2 ўртача	<del>6</del>	4	2
1 паст	3	2	1

Аниқланган таҳлика даражаси Ташкилотнинг ўзи учун белгиланган рухсат этилган чегарадан юқорида бўлса, бундай таҳликаларни бартараф қилиш, уларнинг таъсирини камайтириш ёки рухсат этилган даражада ушлаб туриш бўйича ҳаракатларни белгилаши ва амалга ошириши лозим, яъни, даража 6 баллни кўрсатадиган бўлса амалга оширилган ҳаракатлар (тадбирлар) даражанинг (имкони бўлса батомом бартараф қилиниши) 4;3;2 га тушишини таъминлаши лозим. Бу эса фаолиятда таҳликаларнинг бошқарилишини таъминлайди.

Таҳликаларнинг бошқарилишини таҳлил қилиб боришни таъминлаш учун қуйидаги П-02 Ф2 жадвали тавсия қилинади.



Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари

Ўз ММИ ДК контекстини (корхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш.

Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.

П-02

Таҳрир: 1

Варақ 12 жами  
14

П-02 Ф2

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўз ММИ ДМ директори

Л.Ф. Саидорипов

“ ” 2021 й.

Ўз ММИ ДМ фаолиятидаги таҳликалар ва имкониятлар

ИЧКИ МУҲИТ

№	Кучсиз томонлар (салбий факторлар)	Потенциал сабаблар	Салбий факторлар таъсири натижасида юзага келиши мумкин ҳисобланган ҳолатлар (оқибатлар)	Таҳлика даражаси (РИСК) (Оғир, Ўртача, Енгил)	Эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва таҳлика таъсирини камайтириш ёки бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар ва имкониятлар (ВОЗМОЖНОСТИ)	Имкониятларни амалга ошириш бўйича жавобгарлар, муддатлар	Амалга оширилганлиги бўйича маълумотлар
1	2	3	4	5	6	7	8
1							
2							
3							
4							

ТАШҚИ МУҲИТ

№	Кучсиз томонлар (салбий факторлар)	Потенциал сабаблар	Салбий факторлар таъсири натижасида юзага келиши мумкин ҳисобланган ҳолатлар (оқибатлар)	Таҳлика даражаси (РИСК) (Оғир, Ўртача, Енгил)	Эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва хавфлар таъсирини камайтириш ёки бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар ва имкониятлар (ВОЗМОЖНОСТИ)	Имкониятларни амалга ошириш бўйича жавобгарлар, муддатлар	Амалга оширилганлиги бўйича маълумотлар
1	2	3	4	5	6	7	8
1							
2							

	Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Ўз ММИ ДК контекстини (қорхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1 Варақ 13 жами 14

• **Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизмати бош мутахассиси- КҚК МТ менежери**, йил давомида, Ташкилот контексти, яъни таҳликаларнинг баргараф қилиниши, таҳликалар таъсирининг камайтирилиши бўйича бажарилган тадбирлар ҳолати мониторингини олиб боради ва мониторинг натижаларини йил якунида, юқори раҳбарият томонидан КҚК МТ таҳлилинини ўтказиш учун тайёрландиган умумий ҳисобатга киритган ҳолда тақдим қилади.


• Ташкилотнинг доимий равишда, мижозлар талаблари ва Ўз ММИ ДМ томонидан амалга оширадиган хизматларга нисбатан белгиланган меъёрий ва қонун талабларига мос равишда хизмат кўрсатиш қобилиятига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин ҳисобланган факторларнинг аниқланишини ҳисобга олган ҳолда, **КҚК МТ менежери**, ҳар йили 25 декабригача, Ташкилот КҚК МТ ва Ташкилотнинг умумий фаолиятига аълоқадор барча манфаатдор томонларни ва уларнинг талабларини аниқлайди. Бу маълумотларни, кейинги йил учун қуйидаги П-02 Ф3 жадвали шаклида ҳужжатлаштириши тавсия қилинади.

П-02 Ф3  
**“ТАСДИҚЛАНДИ”**  
 Ўз ММИ ДМ директори  
 \_\_\_\_\_ Л.Ф. Саидорипов  
 “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2021 й.

**Ўз ММИ ДМ фаолиятига нисбатан манфаатдор томонлар, уларнинг талаблари ва талабларнинг амалга оширилиши бўйича тадбирлар.**

№	Манфаатдор томонлар	Манфаатдор томонлар талаблари	Талабларни амалга оширилиши бўйича тадбирлар	Муддатлар	Жавобгар шахслар (бўлимлар)
1	2	3	4	5	6

КҚК МТ менежери, йил давомида, манфаатдор томонлар талабларининг бажарилиши бўйича мониторинг олиб боради ва мониторинг натижаларини йил якунида, юқори раҳбарият томонидан КҚК МТ таҳлилинини ўтказиш учун тайёрландиган умумий ҳисобатга киритган ҳолда тақдим қилади.

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI uznim	<b>Ўз ММИ ДК ҳужжатлаштирилган маълумотлари</b>	
	Ўз ММИ ДК контекстини (қорхона фаолият қилаётган муҳит) аниқлаш, таҳликалар ва имкониятларни бошқариш. Манфаатдор томонлар талабларини аниқлаш ва амалга оширилишини бошқариш процедураси.	П-02
		Таҳрир: 1 Варақ 14 жами 14

## **7. ЁЗУВЛАР.**

№	Ёзувлар номланиши	Ёзувни юритиш ва сақланишига жавобгар	Сақлаш		Йўқ қилиш тартиби
			жойи	муддати	
1	П-02 Ф1, SWOT таҳлил жадвали	КҚК МТ менежери	КҚК МТ менежерида	3 йил	Йўқ қилинади
2	П-02 Ф2, Ўз ММИ ДМ фаолиятидаги таҳликалар ва имкониятларни аниқлаш жадвали	КҚК МТ менежери	КҚК МТ менежерида	3 йил	Йўқ қилинади
3	П-02 Ф3, Ўз ММИ ДМ фаолиятидаги манфаатдор томонлар, уларнинг талаблари.	КҚК МТ менежери	КҚК МТ менежерида	3 йил	Йўқ қилинади

## **8. САҚЛАШ.**

Мазкур процедуранинг актуаль электрон версияси ва қоғоз шаклидаги Директор томонидан тасдиқланган актуал ҳужжатнинг асл нусхаси КҚК МТ менежерида сақланади.

## **9. ИЛОВАЛАР.**

Мавжуд эмас.